

МУҲИМ ИСЛОҲОТ



O'zLiDeP Сайловолди штабида волонтерлар мулоқоти

ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

Элёржон Нейматов сурат-лавҳаси.

БУГУНГИ СОНДА:

САЙЛОВОЛДИ ШТАБИ ШИТОБ БИЛАН ИШЛАМОҚДА

Бир ҳафтадан ошди, партиямиз марказий биноси янада гавжумлашди. Шовқин-суронни эшитиб, биз – сокинликка ўрганган мухбирлар янги очилган штаб эшигига секин мўралаймиз. Қўли қўлига тегмайди ходимларнинг.

2

ҲАММА ДЕПУТАТ ШУНДАЙ БЎЛСАЙДИ...

Аслида, бу ҳар қандай депутат фаолиятидаги оддий ҳолат. Бироқ бугунги кунда кўпчилиكنинг баъзи вакиллардан ҳафсаласи пир бўлгани ҳам бор гап.

3

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

ёхуд кўп қаватли уйлар ўртасига яна “дом” қуриш қонунга зид эмасми?


4

СУДЛАР ВА ОАВ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАММИ?

Аксарият журналистлар ҳуқуқий мавзуларни ёритиш учун етарли юридик билимга эмас, бу эса ўз навбатида судлар фаолияти билан боғлиқ ахборот олиш ва тарқатишда қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

5

ТОКИО 2020



АКБАР ЖЎРАЕВ, оғир атлетикачи, “Токио – 2020” Олимпиадаси чемпиони:

УШБУ ҒАЛАБАМНИ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН!



Баҳодир, дуо ол, олтин ҳам оласан!

Халқимизда “Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?” деган гўзал нақл борлигини яхши биламиз. Лекин бизга иккиси ҳам бугун сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган шу кунларда ОЛТИН керак! Ҳаммамиз дуо қилайлик, дуоларимиз олтинга айлансин, илоҳим!

6




Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Ортиқча ваҳимага берилиш, истеъмождан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаш, тартибсиз харидларни амалга ошириш ўтган бир йилдан зиёд давр мобайнида қандай оқибатларга олиб келганининг гувоҳи бўлдик. Дўконлардаги бўш расталар, айрим дори воситалари нархи кескин ошиб кетиши ёдингиздами?

6

САЙЛОВОЛДИ ШТАБИ ШИТОБ БИЛАН ИШЛАМОҚДА



Бир ҳафтадан ошди, партиямиз марказий биноси янада гавжумлашди. Шовқин-суронни эшитиб, биз – сокинликка ўрганган мухбирлар янги очилган штаб эшигига секин мўралаймиз. Қўли кўлига тегмайди ходимларнинг. Шашти баланд ёшлар бўлса саволларга кўмади мезбонларни. Партия кенгашидагилар ҳам тиним билмаяпти. “Аёллар қаноти”дан тортиб, “Ёшлар қаноти” фаолларигача бирортасининг кўли бўшамайди. Ҳали иш юзасидан телефонда гаплашган, ҳали қайсидир тадбирга шошган. Хуллас, O'zLiDePчиларнинг бош қашига вақти йўқ ҳозир.

Ҳаммаси Марказий сайлов комиссияси жорий йил 23 июлдан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси бошланганини расман эълон қилганидан кейин бошланди. Тўғри,

аввал ҳам бу жараёнга тайёргарлик бўлаётганди. Дастлаб партия ўзининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказди. Сайлов кампанияси даврида бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирларнинг йўл харитаси тасдиқланди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, парламент Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Ақтам Хайтовнинг вақти ҳисобли. Айримлар ўйлагандек, мажлиссевар эмас, аксинча, ҳар бир учрашувда фойдали ва керакли маслаҳатларни беряпти. Тасаввур қилинг, камдан кам раҳбар кўл остидаги ходимларни яхши таниши мумкин. Лекин партиямиз лидери исталган пайтда, у тадбир ё юзма-юз мулоқотда, деярли ҳаммани беш кўлдай билади ва ҳар бирининг савияси, имкониятини таҳлил қила олади. Бу мақтов эмас, иккинчи иш жойи – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбари сифатидаги фаолияти эса алоҳида мавзу.

Хуллас, бугунги репортаж географияси пойтахт билан кифояланмайди. Демак, навбат вилоятларга.

ФАРҒОНА

O'zLiDeP Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби Шоҳсултон Тўхтаматовнинг хабар беришича, сайлов арафасида O'zLiDeP Ёзёвон туман кенгашининг биноси қайтадан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилибди. “Бугунги кунда ушбу кенгашнинг 3 225 нафар хайрихоҳи бўлиб, улар 37 та бошланғич партия ташкилотига бириктирилган. 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида 925 нафар ёзёвонлик партияга аъзо бўлган. Фойдаланишга топширилган иншоотда ишлаш учун барча шароитлар яратилган. Алоқа воситалари, интернет дейсизми, хуллас, барча керакли жиҳозлар билан таъминланган”, дейди ҳамкасбимиз биз билан мулоқотда.

НАМАНҒАН

Партия Наманган вилоят кенгашининг йиғилишини ушбу кенгаш раиси Солижон Мўминов бошқарди.

– Ўзбекистоннинг сиёсий майдонида ўз ўрни ва мавқеига эга, ётақчи партиядан бири бўлган O'zLiDeP сайловда ўз нуфузига муносиб тарзда иштирок этиши лозим, – деди у. – Масъулиятли сиёсий имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиш учун барча имкониятларимизни сафарбар этишимиз даркор.

АНДИЖОН

Навбатдаги кенгайтирилган йиғилишни бошқарган кенгаш раиси Хуршидаҳон Халилова таъкидлашича, Президент сайлови янги миллий сайлов қонунчилиги асосида, умумэтироф этилган халқаро стандартларга, шунингдек, демократик тамойилларга асосан очиқ ва ошқора ўтказилиши кутуляпти.

Кенгашда 17 нафар аъзодан иборат сайловолди штаби тузилганига изоҳ берар экан, кенгаш аппарат раҳбари Ҳожимухаммад Ҳасанхонов уларнинг ҳар бирига сайловолди кампаниясининг барча йўналишларида тарғибот-ташвиқот, ташкилий вазифалар юклатилганини ургулайди. Туман ва шаҳар кенгашларида ҳам айни штаб тузилмалари ташкил этилди. Бу йилги сайловга мутлақо янги имиж, янгича ёндашув билан киришган фаолларимизга куч-қувват тиладик.



САМАРҚАНД

Вилоят кенгаши бўлим мудри Насиба Мўминова билан боғланиб, штаб фаолияти ҳақида сўрадик. У айни пайтда 870 нафар волонтер шакллантирилиб, сайловолди штабига 261 нафар партия фаоллари бириктирилганини маълум қилди.

ЖИЗЗАХ

Вилоят кенгаши сиёсий таълим маркази раҳбари Саида Умаралиева 31 нафар аъзодан иборат сайловолди штаби тузилгани ҳақида ахборот берди ва айни пайтда бу ерда сиёсий ўқувлар ташкил қилинаётгани, суҳбатлар қизиқарли ва мазмунли бўлаётгани кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидлаб ўтди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDePнинг Қорақалпоғистон кенгаши аппарат раҳбари Шарапат Отемисовнинг изоҳ беришича, Кегейли туманида очилган партиянинг сайловолди штабига депутат ва фаоллар билан учрашув ўтказилибди. “Қуруқ, расмиятчиликдан иборат маърузалар эшитмадик, балки аниқ режалаштирилган вазифалар муҳокама қилинди. Сабаби бу сайлов янгича руҳда ўтади энди”, деди суҳбатдошимиз.

ХОРАЗМ



– Биздаги ишлардан ҳам батафсил сўрамайсизми, – дея ҳаяжонини яширолмайдиган O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби Насиба Ваисова. – Худудларда сайловолди шта-

би аъзолари учун ўқувлар, семинарлар ўтказилапти, тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилляпти. Сайлов кампаниясида муваффақиятли иштирок этиш борасидаги масалалар ҳар томонлама муҳокама қилиняпти, режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, таништириляпти.

Мана, сизга бир мисол, вилоят кенгашида 25 нафар аъзодан иборат сайловолди штаби тузилган. Салоҳиятли, сиёсий-ҳуқуқий билими юксак, дунёқараш кенг, хорижий тилларда сўзлаша оладиган кадрлар штаб аъзолари сифатида бириктирилган.

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши шаҳрида партия вилоят кенгашининг мафкуравий, ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг Конституциявий-ҳуқуқий асослари” мавзусида ўқув-семинар ташкил этди. Саволларга мутахассислар атрофлича жавоб берди.



СУРХОНДАРЁ

– Ишимиз камайган даврни эслолмайман, – дейди партия вилоят кенгаши раиси Алишер Рўзиев. – Лекин бу йил янада масъулиятлироқ ва унутилмас йил бўлишига шубҳамиз йўқ. Вилоят штаби таркибидаги гуруҳлар фаолиятини

ташкिलлаштириш ва жойлардаги сайловолди штабларини тузишга амалий ёрдам кўрсатиш керак. Айниқса, ОАВ билан ишлашни мувофиқлаштириш жуда муҳим. Хуллас, баҳонага ўрин қолдирмаймиз.

БУХОРО

Партиянинг вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов ҳудудда ўтказилган йиғилишда Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тингловчиларга батафсил маълумот бериш лозимлигига эътибор қаратди. Айниқса, сайловолди тадбирлари карантин тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда онлайн ва интерфаол усулда ўтказилаётгани айни муддао бўлаётди. “Бу борада Бухоро ва Когон шаҳарлари, Вобкент, Бухоро, Шофиркон, Олот туманларида уюштирилган йиғилишлар бошқаларга намуна бўлади”, деб изоҳлайди вилоят кенгаши бўлим мудри Зариф Комилов мамнуният билан.

– Бухоро вилоятидаги 803 та корхона ва ташкилотда партиянинг қуйи бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолият юритмоқда, – дейди кенгаш аппарати бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари Наргиза Халилова. – Мазкур БПТлар билан ҳудудий сайловолди штабларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Партиянинг пойтахт кенгаши ташаббуси билан ўтказилган “Yoshlar bilan” лойиҳасининг навбатдаги сониди “Сайловда ёшлар ва волонтерлар иштироки” мавзуси атрофлича муҳокама қилинди. Эътиборлиси, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, айрим вазирлик ва идоралар вакиллари, Ёшлар парламенти ва Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси аъзолари, ташаббускор ва волонтер ёшлар фаол қатнашиб, мунозаралар қизгин тус олди.

– “Волонтер” атамаси аслида халқимизга бегона эмас, – деди Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими Бибижон Ўролбоева сўз олиб. – Маъносига қаранг, ҳақ олмаган ҳолда ижтимоий фойдали фаолият

билан шуғулланувчи шахс дегани. Яъни, кўнгилли сифатида одамларга фойдаси тегадиган ишлар билан шуғулланиш. Бизда бундай хайрли иш билан қадимдан шуғулланиб келинган. Ҳашарлар ташкил қилиш, тўй-томоша, маросимларда бош-қош бўлиш, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш ва ҳоказо. Бугунга келиб фаолларни умумий ном билан волонтер деб атаямиз ва ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига, жумладан, сайловларга ҳам жалб этаймиз.

Тадбирда Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси раҳбари Ширин Обидова ҳам қатнашиб, бугунги кунда республикамиз бўйича 14 ҳудудда волонтерлар мактаби фаолияти йўлга қўйилгани, “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши эса фаолиятнинг ҳуқуқий асосини таъминлаётганини алоҳида таъкидлади.



Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ XXI asr" мухбирлари

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ, Элёржон НЕЪМАТОВ олган.

ЁШЛАР ФАХРИМИЗ

Чемпион — Ёшлар парламенти аъзоси

Ўзбекистон — инсон ва унинг кадр-қиммати юқори даражада турувчи, ислохотлар фақат халқнинг фаровон ҳаёт кечириши учун йўналтириладиган давлатдир. Бунда қонун устуворлиги таъминланган ривожланиш йўлини танлаган мамлакатнинг ҳаракатлантирувчи кучи ёшлардир.



Қайси соҳани олмайлик, ёшлар учун қулайликлар юқори даражада эканига гувоҳ бўламиз. Эртанги кунимизнинг давомчиларига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани-да рост.

Эндигина 20 ёшни қаршилаган О'зЛиДеР фаоли Ширин Алланазарова 2019 йили Нукус туманидаги 12-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга якунлаб, Халқ таълими вазирилик томонидан ўқишдаги му-

ваффақиятлари ва намунали хулқи учун олтин медаль билан тақдирланди ва шу йили Қорақалпоқ давлат университети жисмоний маданият факультетида давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

У мактаб дав- ридан бо- шлаб

спортчи ҳам. 2014 йилдан буён таэквондо билан мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда. Эришган муваффақиятлари ҳам чакимас: Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони, очиқ турнирлар ва халқаро мусобақалар голиби, Осиё очиқ чемпионати совриндори ва ҳоказо.

Ширин Зулфия номидаги давлат мукофоти учун ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи фаол иштирокчиси. Ҳозирда Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси.

Бундан ташқари, Ширин Алланазарова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси сифатида нафақат жамоат ишларида, балки сиёсий жараёнларда ҳам фаол қатнашмоқда.

Жақсилиқ ЮСУПОВ,
О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудир

Бўзатовлик йигит-қизлар партиёга хайрихоҳ

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан истиқлолимизнинг 30 йиллигига бағишлаб "Мустақил юрт фарзандлари" мавзусида Бўзатов туман ёшлари билан учрашув ташкил қилинди.



Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аппарат раҳбари Шарапат Отемисов мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, аynиқса, кейинги йилларда эришилган ютуқ ва муваффақиятлар, ёшларга қаратилаётган эътибор, навқирон авлодга яратилган шароитлар, жорий йилги сиёсий жараёнларда уларнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқ долзарб вазифалар хусусида сўз юритди.

Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги Бўзатов туман бўлими бошлиғи, "Келажак бунёдкори" медали соҳиби Низаматдин Тўрмуратов, "Энг яхши ёш олим - 2021" халқаро танлови голиби Даўлет Сарсен-

баев ҳам кейинги йилларда ёшлар билан ишлашда мутлақо янги тизим яратилганини алоҳида қайд этишди.

Тадбирда турли соҳаларда юқори натижаларга эришиб келаётган бир гуруҳ йигит-қизларга партиёнинг фойвий мақсад ва вазифалари тарғиботидаги фаоллиги учун О'зЛиДеР ташаккурномалари топширилди.

Мулоқот давомида ёшлар ҳам таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, саволларига жавоблар олишди. Партиёга хайрихоҳлигини маълум қилганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

Ноибликни орзу қилганлар

О'зЛиДеР Асака туман кенгашида ўтган депутат ва ёшлар учрашувида кўпчилик шу гапни айтди. Кенгашдаги партиё депутатлик гуруҳи аъзоси Омонилло Абобакиров билан "Ёшлар қаноти" гуруҳи фаолларининг самимий мулоқоти ижтимоий-сиёсий янгиликлар, сайловолди жараёнларига уланиб кетди.

— Депутатлик фидойилиқдир, — дейди Ф. Муҳаммаджонов. — "Ёшлар қаноти"га ҳам мени депутатлик ҳаваси етлаб келганди. Улардек халқ қорига яраш ва келажакда мен ҳам депутат бўлман, деган қатъий мақсадим бор. Мана, ҳозир бу мақомнинг машаққати ва завқи хусусида ноибларнинг ўзидан эшитдик, саволларимизга жавоб олдик.

Учрашув давомида масъуллар ўғил-қизларга "Депутатнинг бир куни", "Депутат маҳаллада" лойиҳалари ҳақида гапириб беришди.

Муқаддамхон Ибрагимов,
О'зЛиДеР Асака туман кенгаши ижрочи котиби

Кимни сайлашни билади

Бурунги сайловлар билан бугунги сайловлар ўртасида еру осмонча фарқ борлигини изоҳлаш шарт эмас. Сабаби, кексалардан кўп бора эшитганмиз, бизнинг замонда кимни сайлаганимизни ўзимиз ҳам билмасдик. Нега десангиз, ҳаммамиз бюллетени, қоғозларини, йигиб бир одамга берардик, ҳаммасини ўзи ташлаб келарди. Номига ўтган-да сайловлар, дейди улар хўрсиниб. Бугун эса бошқача.

Парламент сайловлари бўладими, маҳаллий кенгашларга ё оқсоқоллар сайловими, барибир, кексаю ёш обдон қизиқ боради. Кимга овоз бераётгани уларга қизиқ-да. Чунки кўп йиллар қоп-қоп ваъдалар бериб қанча номзодлар одамларни алдаб кетгани маълум. Энди эса ҳар ким ўзи учун битта овоз бериши мумкинлигини яхши билади ва бошқалардан ҳам талаб қилади.

Тобора яқинлашиб келаётган Президент сайловига тайёргарлик дои-

Қ.ЭШҚОРАЕВА,
О'зЛиДеР Учқудуқ туман кенгаши ижрочи котиби

ИБРАТ

Одатда газ, электр энергиясига талаб қишда, сувга талаб эса ёз ойларида юқори бўлишига кўникиб қолганмиз. Бироқ бу йилги аномал иссиқ ёз чилласида ҳам электр энергиясига талабнинг кескин ошишини кўрсатди. Демак, куз-қиш мавсумигача одамларнинг аризаю шикоятларидан ҳозирча қутулдик, деб бироз енгил торган баъзи бир соҳа мутасаддилари адашгани аён бўлди.

Фориш тумани 1-сектор ҳудудидаги "Учма" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сафарота ва Қамиш қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳоли электр энергияси таъминотининг ачинарли аҳволдан анча йиллардан бери азият чекиб келарди. Сабаби, қишлоққа электр тармоғи ўтган

асрнинг 60-йилларида тортилган. Симёғочлар ярқочсиз ҳолга келиб қолганидан об-ҳавонинг озгина инжиқлиги одамларнинг бир неча кунлаб электр энергияси таъминотисиз қолиб кетишига

сабаб бўларди.

Бундай шароитда ҳудудда нафақат тадбиркорликни ривожлантириш, балки аҳолининг кундалик рўзғори ўтишини тасаввур қилиш қийин. Аҳоли бу масалада қатор мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб кўрди. Фойдаси бўлмади. Ҳар галгидек, ушлаганини узмаса қўймайдиган, муаммо ечимини излаб толмайдиган, муҳими, халққа қайишадиган кишига зарурат яққол сезилиб қолди. Маслаҳатлашиб, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси Қобил Хидировга мурожа-

ат қилишди.

Ҳар доим эл ташвиши билан елиб-югуриб юридиган ноиб ҳолатни тўлиқ ўрганиб чиққач, тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови юборди. Келган расмий жа-

ваблардан қониқмасдан, муаммо юзасидан амалга ошириладиган ишларни ҳам назоратга олди. Натижада ярқочсиз ҳолга келиб қолган симёғочлар алмаштирилиб, электр симлари қайтадан тортилди. Хонадонларига нур кириб, кўнгилла-рини ҳам чароғонлашган одамларнинг энди қувончи чексиз.

Аслида, бу ҳар қандай депутат фаолиятидаги оддий ҳолат. Бироқ бугунги кунда кўпчиликнинг баъзи вакиллардан ҳафсаласи пир бўлгани ҳам бор гап. Тўғри-да, Жиззах вилоятидаги маҳаллий кенгашлар-

да биргина О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари 149 нафарни ташкил этади. Агар уларнинг ҳар бири ўтган олти ой давомида ўз ҳудудида халқни қийнаётган юқоридаги каби биттадан муаммога ечим

топишга муваффақ бўлганида эди, аминмизки, кўпчиликнинг халқ ноиблари ҳақидаги тасаввури ижобий томонга кескин ўзгарган бўларди.

Айнан шундай кезлар Қобил Хидиров каби лафти ҳалол, зиммасига олган масъулиятни ҳис қиладиган депутатлар ҳам борлиги кишига таскин беради. Чунки йиллар давомида ечимни топилмаётган муаммо биргина депутатлик сўрови билан ҳал қилинмаганини, бунинг учун халқ ноиб вақтини, кучини аямай, қанчалик куйиб-пишганини, кимлар биландир талашиб-тортишганини

фақат тасаввур қилишимиз мумкин. Қобил Хидиров эса масала узил-кесил ҳал бўлмагунча, ишни охиригача етказмагунча қўймади.

Кўпчилик манфаати учун жон куйдирадиган

бундай инсонлар мақтанишни хуш кўришмайди. Шу сабаб излаб, имкон топиб чарчамайдиган бундай тоифадагиларнинг хайрли ишлари ҳақида ҳар қанча ёзсак-да кам.

Ҳа, айтганча, кўшнларининг муаммоси ҳал бўлганидан хабар топган ҳудуддаги Бирлашган қишлоқ аҳли ҳам айнан шундай масала юзасидан Қобил Хидировга мурожаат қилибди. Шунга айтишса керак-да, бир яхшилик ўн яхшиликни етлаб келади деб.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Ҳамма депутат шундай бўлсайди...

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

Кўзига фақат пул, фойда кўринадиган, эл-юрт манфаатини ўйламайдиганлар, афсуски, орамизда оз эмас. Пойтахтимизнинг Учтепа тумани 14-мавзесида рўй бераётган жоғрон ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб, ана шундай хулосага келдик. Қайд этиш керакки, бундай воқеалар кўп бўлапти, бундан кейин ҳам содир бўлаверади, шекилли.

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Воқеанинг қисқача тафсилоти бундай: "Enjoy House" қурилиш компанияси кўп қаватли уйлар орасидаги майдонга яна битта "осмонупар" тураржой биносини тиклашни режалаштирди. Ўша ерда яшовчилар бундан норози. Қурилиш компанияси эса агар фуқаролар розилик билдирса, ички йўллари асфальтлаш ва болалар майдончаси қуриб беришни ваъда қиляпти. Яъни, одамлар хайрихоҳлигини сотиб олоқчи. Ажабланирми, мазкур ҳудуддаги "Богистон" МФЙ раиси компания вакиллари билан уйма-уй юриб, одамларни розилик беришга ундапти. Фуқаролар эътирозларини эшитгани асло истамаяпти...

Маҳалла оқсоқли, айтиш мумкинки, одамларнинг "ишонган боғи, суянган тоғи" шундай иш тутгач, ўзгалардан нима кутиш мумкин?

Хўш, ким ҳақ? Аввало, шуни айтиш керакки, кўп қаватли уйлар орасига яна биттасини бунёд



этиш амалдаги Шаҳар-созиш кодекси талабларига зид эмасми? Одамлар тақдирдан кўра пул, нафс балосини ўйлаётган қурувчилар ва уларни қўллаб турганлар шундай амалдаги қонунларимизни бузмаётганига кафолат борми, ким айтади? Қолаверса, Президентимизнинг "Кўп квартирали уй-жойлар-



ёхуд кўп қаватли уйлар ўртасига яна "дом" қуриш қонунга зид эмасми?



ни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг 7-бандида шундай жумлалар бор: "...қуйидаги масалалар бўйича умумий йиғилишнинг қарори, агар уни ёқлаб уй-жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг 80 фоизидан кўпроғи овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади:

кўп квартирали уй-жойга туташ ҳудудларда янги объектларни қуриш..."
Маълум бўлаптики, тилга олинган маҳаллада яшовчиларнинг эътирозлари асоссиз эмас. Қонун улар тарафда. Қолаверса, биз номини келтирган қурилиш компанияси раҳбарлари учун эса шаҳар бедарвоза эмас, ўйлаб кўришсин, халқни рози қилмагани! Ҳақ ҳам кечирмайди!

Чунки асосий сабаб ўша-ўша, қарс икки қўлдан чиқади. Ўша "қарс"ларнинг касофати сабаб бугун бир гўдак қурбон бўлди. Адолат қани? Нега шу девор ичувчи отани, энгилтак онани ёки кунора жанжал чиқариб турмаса, кўнгли жойига тушмайдиган қайнонани эмас, беғуноҳ гўдакни босиб қолди?

Бахтсиз ҳодиса ҳам айнан ажримлар статистикасида биринчиликни "қўлдан бермай" келаётган, ижтимоий тармоқларда айтилишча, жорий йилнинг биринчи ярмида 1789 та оилавий ажрим ҳолати қайд этилган Тошкент шахрида содир бўлди. Эҳх... Тошкент, Тошкент! Бир вақтлар сенга нон шаҳри

Нураб бораётган "девор"лар

...14 ёшли қизалоқ дунёдан ўтиб қолди. Унинг чиройли кўзлари, беғубор юзлари, кулганида янада ёқимтой кўринадиган юзидаги чуқурча-кулгичлари девор остида қолди. Тўғри, ўлим ҳақ! Бахтсиз ҳодиса ҳам ўз номи билан бахтсиз. Бироқ қизчанинг фожиа вафотига таъмирланаётган уйнинг омонатини турган, ўзи билан нозик вужудни ҳам хароб қилган эски девори эмас, кўпроқ оила аталган кўрғоннинг деворлари сабабчи бўлди...



деб талпинишарди, нафақат ўз бағрингдаги, балки ўзга мамлакатнинг, ўзга миллатга мансуб болалари ҳам сендан паноҳ топишарди. Иссиқ бағрингда етимликнинг совуқ нигоҳини, нафасини оз бўлса-да, унутар эдилар.

Наҳот сен шунчалар ўзгардинг?! Ахир, 14 етимни уруш даври, йўқчилик бўлишига қарамай, нон ва меҳрга тўйдирган Шомухудовларга ўшаган саҳоватпеша инсонлар айнан сенинг бағрингда униб-ўсган эди-ку! Ёки улар тўқилган ёлгонимди?

Бу саволни бериш мен учун ҳам огир, лекин бугун арзимас сабаблар билан боласини етим қилаётган "ота-оналар"ни қўриб, кимга ишонишни ҳам билмай қолсан киши.

...Бир оила барпо этилаётган маросим, яъни тўй-томошаларга эътибор беринг-а!

Ҳамма хурсанд, келин ва куёвни табриклашади, дўстлар, қариндош-уруғлар билан тўлган тўйхонада уларга аталган ширин тилаклар тинимсиз жаранглаб туради. Бироқ... оила бузилиш арафасида турган пайтда... кечагина озғини тўлдириб кутлаган бирор "меҳрибон" топилмайди. Нима эмиш, "Бировларнинг

шахсий ҳаётига бурун тикиш яхши эмас!"

Мурғак вужуд она меҳридан ё ота тарбиясидан бебахра қолиши яхшими унда? Биргина бузилган оила жамиятга таъсир қилмаслиги мумкинми?

Бундай оилалардан эртага қандай фарзанд етишиб чиқади, билмадим, бироқ улар ҳам бир куни худди шу жамият аъзосига айланади, буни аниқ биламан.

Кўз ўнгини бир оғир оғир келиб, бир оилани сақлаб қолишда ёрдам берганингиз учун Оллоҳдан ажру савоб оласиз, балки кимнингдир дуоларида гоёибона эсланасиз!

Токи ота-она фарзанд эмас, ўз нафси, тинчи ёки "бахти" ҳақида ўйлар экан, деворлар йиқилаверади, фарзандлар эса ота-она меҳрига тўймай, нобуд бўлаверади...

Зиёда РАҲИМБОЕВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

Хоразмлик шундай қурувчилар борки...

Давлатимиз раҳбарининг "2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан юртимизнинг барча гушаларида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада Хоразм вилояти ҳам илғорлар қаторида бормоқда.

Унга кўра, шифохона таълим даргоҳлари барпо этилиб, таъмирталаб бинолар мукамал таъмирланмоқда. Бунда қўлигул бинокорларнинг ҳиссаси катта бўлаётган. Шовот туманидаги 32-ўрта мактаб биноси анчайин эски ва абгор ҳолатда эди. 624 ўринли маскан инвестиция дастурига асосан 2 миллиард 800 миллион сўмлик маблағ эвазига қайтадан таъмирланипти. Бинонинг том, пол қисми, ромлари ва иссиқлик тизими янгиланди. Шунингдек, тумандаги 27-мактаб ўқув биносига ҳам қурилиш-монтаж ишлари қизғин давом этмоқда. Ушбу таълим масканларида "Ургенч люкс строй сервис" МЧЖ ва "Умрбек Шаҳзодабек қурилиш сервис" хусусий корхоналари қурувчилари меҳнат қилишмоқда.

Янгиариқ туманидаги 844 ўринли 22-, 29-ўрта мактаблар таъмирга муҳтожлиги бос улар ҳам инвестиция дастури бўйича реконструкция қилиниши режалаштирилган. Ушбу лойиҳани амалга оширишни вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона

бююртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмачилигида моҳир қурувчи **Максудбек Сатликов бошчилик қилаётган "Mega qizilqum" масъулияти чекланган жамияти** жамоаси зиммасига олган. Тўзлоқ маҳалласидаги 11-мактабда ўқувчилар икки сменада сабоқ оларди. Бу ўқувчилар учун ноқулайликлар келтириб чиқарди. Дастурга асосан бу ҳудудда ҳам 330 ўринли қўшимча ўқув биноси қад ростлади. Муассасани архитектура қурилиш меъёрларига тўла амал қилинган ҳолда тажрибали бинокор **Бекзод Ниёзметов раҳбарлиги остида "Хоразм дийр макс сервис" МЧЖ қурувчилари** барпо этишяпти.



Бундан ташқари, туманда жорий йилги "Обод қишлоқ" дастурида белгиланган маҳалладаги йўл, электр тармоқлари, газ, ичимлик суви тармоғини тортиб келиш, ободончилик ишлари якунига етмоқда. Мисол учун, Боёт маҳалласидаги 17-мактаб мукамал таъмирланди. Мактабнинг том, пол, ромлари алмаштирилиб, янгича қиёфага келтирилди. Ушбу юмушларни бажаришда 2 миллиард 100 миллион сўм эвазига "Қўҳинур бино иншоот" МЧЖ бунёдкорлари жонбозлик кўрсатишди. Сардорлар



маҳалласида ҳам ободончилик ишлари якунига етказилмоқда. Маҳалладаги 260 ўринли, таъмирталаб 21-мактаб биноси иссиқлик тизими ҳамда лойиҳада белгиланган барча қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга шай ҳолатга келтирилмоқда.

Дарвоқе, булар ҳали юрт ободончилиги йўлида кўрсатаётган фидойиликлари билан кўпам мақтанишни хуш кўрмайдиган хоразмлик бунёдкорларнинг ибратли ишларидан айрим парчалар, холос. Насиб этса, бугун биз санаб ўтган ҳар бир жамият ё фирма қурувчилари ҳаёти, фаолияти ҳақида батафсил тўхталмоқчи ният қилдик.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" муҳбири

**ЭЪЛОН
"BEST AUTO AUKSIION"**

МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Тайлоқ тумани Давлат ветеринария бўлимининг 27.07.2021 йилдаги №104-буюртманома-сига асосан Тайлоқ тумани давлат ветеринария бўлимига қарашли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 30 321 НАА бўлган техник носоз ҳолатдаги "ДАМАС" русумли автотранспорт воситаси 5 555 000 сўм бошланғич баҳода кўйилмоқда. Аукцион савдоси 2021 йил 30 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тўшлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2021 йил 27 август соат 18:00. Ушбу мулк 2021 йил 30 август куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдоси 2021 йил 15 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади. Тақрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "BEST AUTO AUKSIION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги 2020800700805784002 рақамли ҳисобрақами (МФО:00262, СТИР: 305089257)га тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 1-уй 206-хона.

Тел.: (+99899) 212-60-01.
Электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz

Гувоҳнома № 547246.

"XXI ASR" газетасининг 2021 йил 15 июлдаги 28-сонида "BEST AUTO AUKSIION" МЧЖ "Самарқанд минтақавий филиали очиқ аукцион савдосига тақлиф этади" сарлавҳали эълондаги давлат белгиси 30 428 САА бўлган "MAZ 5337" русумли автотранспорт бошланғич баҳоси "32 075 000 сўм" деб ўқилсин!

Судлар ва ОАВ ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамми?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофизатига бағишланган видеоселектор йўналишида: "Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби", дея таъкидлаб ўтди. Ҳозирги суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида жамоатчиликнинг суд органлари фаолиятига бўлган қизиқиши бир неча бор ошмоқда.

Судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари 10 дан ортиқ қонунларимиз билан тартибга солинади. Жумладан, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 69-моддасида оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳофизати натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб кўришига ҳақли бўлган ҳолатда таъсир этишга ҳақли эмаслиги қайд этилган. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасига асосан оммавий ахборот воситаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки ёки ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) муросида этиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кун муддатда кўриб чиқилади. "Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таъминлаш имкониятини яратиб беришга мажбурлиги ҳамда ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминлашнинг кўрсатилгани.

Конституциямизга мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликчилик билан олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга ("Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги қонун 4-моддаси).

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари,

конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофизат қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

Суд мажлисининг фототасвирига, видеоёзувиги, шунингдек, радио ва телевидение орқали трансляция қилинишига ишчи кўраётган суднинг руҳсати билан йўл қўйилади (Иқтисодий процессуал кодекси 165-моддаси).

Ҳудди шундай, Фуқаролик процессуал кодексининг 208-моддасига кўра суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилинишига тарафларнинг розилиги ва суд мажлисида раислик қилувчининг руҳсати билан йўл қўйилади. Бу каби талаблар Жиноят процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларида ҳам белгиланган.

Судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқиш ҳамда судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш мақсадида юрбошимизнинг тегишли фармони билан Олий суд тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари ташкил этилди.

Олий суд Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги "Суд муҳофизати ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида"ги қарори ҳам судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича қатор чора-тадбирларни белгилаб берди. Хусусан, қарорда суд муҳофизати ошқоралиги процесс иштирокчили бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилликларига суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминланиши ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг оқид суд мажлисида қатнашишига қонунда назарда тутилмаган асосларга кўра тўққиз кун билан йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Қарорда очик суд мажлисида қатнашиш



уқун келган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд биносига кириши суднинг ички фаолиятини тартибга солишни ҳужжатлар билан ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилиши, бунда судлар ушбу ҳужжатлар билан суд биносига кириш жойида танишиш имкониятини таъминлашлари зарурлиги белгиланди. Чет давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига улар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган тўғрисида ҳужжат тақдим этган тақдирда киритилиши қайд этилди.

Суд оммавий ахборот воситалари вакилларини тарқатилган ахборотнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, ҳолислиги ва ишончлиги уқун жавобгарлик ҳақида оғоҳлантиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида ёзиб қўйилади. Ушбу қарорда судья қарори қонуний қучга кирмаган иш бўйича интервью беришга ёҳуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмаслиги кўрсатилди.

Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги қарори билан тасдиқланган Судьялар одоб-ахлоқ кодексида ҳам судьянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги бўйича қатор кўрсатмалар берилди. Агар оммавий ахборот воситаларида судьянинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тарқалиши натижасида суд-

лар ва судьялар фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлса, оммавий ахборот воситаларининг бундай чиқишлари нисбатан судья қонун ҳужжатларида назарда тутилган усулларда муносабат билдириш ҳуқуқига эгалиги қайд этилди.

Судья зиммасига қатор мажбуриятлар ҳам юклатилди: судья оммавий танқидга жавоб бераётганда вазмин ва эҳтиёткор бўлиши, ижтимоий тармоқларда, интернет-форумларда ва интернет тармоғидаги бошқа шаклдаги мулоқотларда иштирок этиши мумкинлиги, бироқ суд ҳокимиятининг, давлат органларининг нуфузига, бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган ахборотни тарқатмаслиги лозимлиги муним шартлардан биридир.

Судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини таҳлил қилиш натижасида бу борада яна бир қатор ечишлик лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Биринчидан, суд фаолиятининг ўзига хослиги сабабли оммавий ахборот воситалари муайян ахборотни ҳар доим ҳам тўлиқ тақдим этиш имкони мавжуд эмас.

Иккинчидан, судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар кўплаб қонун нормалари билан тартибга солинган. Айрим қонунларда бир-бирини муайян маънода инкор қилувчи нормалар

мавжуд. Хусусан, "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига кўра журналистлар ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш ҳамда ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга муросида этиш ҳуқуқига эга экан. "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 69-моддасида эса судьядан кўрилган ёки иш юритилишида ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар бериши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Учинчидан, аксарият журналистлар ҳуқуқий мавзуларни ёритиш учун етарли юридик билимга эмас, бу эса ўз навбатида судлар фаолияти билан боғлиқ ахборот олиш ва тарқатишда қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Бу каби муҳим масалаларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги таклифларнинг ўртага ташлаш лозим деб ҳисоблайман: биринчидан, судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ бир қонун билан тартибга солиш мақсадида "Судлар фаолиятига доир ахборотни олиш тартиби тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши ҳамда унда судлар фаолиятига доир маълумотларни тақдим этиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги, унинг аниқ тартибини белгилаб бериш мақсада мувофиқ. Бу каби қонун Россия Федерациясида мавжуд бўлиб, 2008 йилда қабул қилинган:

иккинчидан, судьялар олий мактабида журналистлар ва блогерларнинг юридик соҳасида билимини ошириш бўйича қисқа муددатли ўқув курслари фаолиятини мунтазам йўлга қўйиш керак. Бу борада Судьялар Олий кенгаши, унинг ҳузурдаги Судьялар олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда 2021 йилнинг 25 январидан 5 февралгача ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган, жумладан суд процессларини ёритишга қизиқадиган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ва блогерлар учун ўқув-масгулотлари ташкил этилган эди. Бу каби ўқув-масгулотларни мунтазам ўтказиб борилишини таъминлаш аини муддао бўлади.

Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси

МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

Бу ҳақда бир неча марта ёздик, сабаби, юқори турувчи суд инстанциялари ишининг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолис аниқлаш учун қонунларда белгиланган меъёр ва нормаларга эътибор қаратишмагани одамга алам қилади. Нима учун шундай деймиз?

Яхшиси, бу ҳақда мана неча йилларки, судлар эшигида овора бўлаётган Умида Собированинг фикрларини эшитайлик: "Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанцияси чиқарган нотўғри ажрим билан ота-онамизнинг биргаликдаги турмуши даврида орттирган, умумий мулкларга бўлган меросхўрлар ҳуқуқи ва дахлсизлиги бузилди ва Гурлан шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 20-уйда жойлашган бино ва иншоотлар барча фарзандлар ўртасида тенг тақсимлашни лозим бўлган ҳолда бир шахс фойдасига тортиб олинди..."

Ушбу низоли бино ва иншоотлар Юлдаш Собиров ва Лидия Собированинг қонуний никоҳлари даврида қурилганини барча ҳужжатлар тасдиқлайди. Жумладан, архив ҳужжатларида Гурлан тумани марказидаги 60-сон таъмир қурилиш участкаси Хоразм вилояти давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасининг 1994 йил 28 январь кунги 7-сонли буйруғига ҳамда Гурлан туман ҳокимининг 1994 йил 24 майдаги 226-сонли қарорига асосан "Вазир" таъмир-қурилиш саноат жамоат корхонасига айлантирилган. Кейинчалик 1995 йил 20 октябрдаги ишчи-хизматчиларнинг 1-сонли ва 1998 йил 2 декабрдаги 2-сонли умумий йиғилиши қарорлари билан корхона бошлиғи Юлдаш Собировга хусусий мулк қилиб беришга қарор қилинган ва мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 225-сонли давлат ордери берилган.

Умида Собирова "Биринчи ва апелляция инстанция судлари ушбу давлат ордери билан берилган барча мол-мулклар рўйхатида, айнан низоли, қурилиш тугалланмаган бино ва иншоотларнинг бир қисми бўлган ёки бўлмаганлигига аниқлик киритмади. Ҳақда "Вазир" таъмир-қурилиш саноат жамоат фирмаси қошида бўлган ҳисобда "Собирхўжа" фермер ҳўжалиги фаолият юритган ва орадан уч йил ўтгач, "Юлдаш Собирхўжа ўғли" фермер ҳўжалиги ташкил қилинган.

“БИР ДАРВОЗАГА ЎЙИН”

Ёхуд меросдан мосуво меросхўрлар дардини ким эшитади?



Бундан ташқари, масқур қурилиш тугалланмаган бино ва иншоотларда токи 2011 йилга қадар оиламиз маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари олиб борилган. Бунини шу пайтда ишлаган ишчилар ва ишга алоқадор, бу ҳолатга гувоҳ бўлган кишилар тасдиқлайди. Аммо бу ҳақидаги ҳужжатлари судлар инобатга олишмади, гувоҳларни қақришмади...

Хўш, даъвогарлар У. Собирова, К. Назарова, К. Собирова ва Л. Петровлар бу кўчмас мулклар Ю. Собиров ва Л. Собированинг умумий мулк деб топилиши борасида судларга тақдим этилган ҳужжатлар нега эътиборсиз қолдирилди ва бу ҳол ҳамон давом этаётганига сабаб нима? ...Ю. Собиров нафақага чиққан ва соғлиги тўғри келмагани боис "Юлдаш Собирхўжа ўғли" кўп тармоқли фермер ҳўжалигининг 2010 йил 25 декабрдаги умумий йиғилиши баённомаси билан раис қилиб Светлана Собировани ташингади. Шунга кўра Гурлан туман ҳокими 2011 йил 10 февралдаги 97-сонли қарори билан фермер ҳўжалиги ва ер участкасини узоқ муددатга ижарага олиш шартномаси қайта расмийлаштирилиб, фермер ҳўжалиги низоми қайтадан С. Собирова раис қилиб кўрсатилган ҳолда 2011 йил 3 мартда давлат рўйхатидан ўткирилди.

"Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида фермер ҳўжалиги

бошлиғи пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилятини йўқотганда... ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўзининг туман ҳокими номига ёзган аризасига кўра ушбу қонуннинг 4-моддаси 1-қисми талабларида жавоб берадиган, ўз оила аъзоларидан бирига қонун ҳужжатлари мувофиқ ерни ижарага олиш ҳуқуқини ўтказиши мумкинлиги кўрсатилган. Бу ерда ерни ижарага олиш ҳуқуқи ҳақида гап босяпти, фермер балансида бўлган мулклар ҳақида гап кетмаёпти, эсдан чиқарман!

Шунингдек, фермер ҳўжалиги низомининг 4.1-бандига кўра фермер ҳўжалиги устив фондига шакллантирилаётганда фермер ҳўжалиги бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улуш ёки биргаликда) мулк ҳисобланган мол-мулкни фермер ҳўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик талаб этилиши кўзда тутилган.

Ю. Собиров томонидан "Юлдаш Собирхўжа ўғли" фермер ҳўжалигига масқур мол-мулклар ўтказилган ҳолатда оила аъзоларининг бирортасидан бундай нотариал тасдиқланган розилик олинмагани қатор саволларни ўртага чиқаради.

Умида Собирова судлар томонидан қонунларнинг ушбу томонлари панжа орасидан қаралганидан қуйнади: "Би-

ринчи ва кейинги bosқич судлари "Низоли мулкларни фермер ҳўжалиги балансига ўтказмасдан олдин марҳумлар Ю. Собиров ва Л. Собированинг умумий мулк бўлганлиги ҳақида далиллар тақдим қилинмади" деган вазларни келтиришган. Ваҳоланки, ўз вақтида бизлар бу ҳужжатларни тақдим қилганмиз, аммо негадир бу ҳужжатлар "суд қарор ва ажримларидан" тушиб қолган".

Яна бир эътиборли ҳолат ҳам судларни негадир "қизиқтирмаган". Яъни, 2014 йилнинг 14 октябрь кунги фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига Ю. Собиров Гурлан тумани Мустақиллик кўчасида уч қаватли бино қургани, шу бинонинг бир қисмини 2010 йил 8 октябрда қизи С. Собировага ҳадя қилгани, 2014 йил 11 январда эса бинони ҳадя қилиш шартномасини бекор қилгани, лекин Гурлан туман суд ижрочилари бўлими томонидан бино қарзни ундириш учун рўйхатта олинганидан норози бўлиб, даъво аризаси киритади. Судда даъвогарнинг ишончли сифатида Умида Собирова иштирок этади ва отасига тегишли мулкни ҳимоя қилади. Шу ҳолатнинг ўзидек Ю. Собиров умуммулкда ҳар бир фарзанди улуши борлигини расман тан олганини кўрсатмайдими?

Сўнги bosқич судлар эса жон-жаҳди билан "даъво муддати ўтказиб юборилган"

ТАХРИРИЯТДАН:

Бу масалани кам эмас, уч марта газетамиз саҳифаларига олиб чиқишга мажбур бўлдик. Бунинг асосли сабаблари бор эди. Хоразмдаги бир мулк можароси бўйича чиқишларимизга Олий суд томонидан ғалати жавоблар олдик. Олий суднинг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи А. Абидов имзолаган беш варақлик расмий жавобда Фуқаролик кодексининг 150-моддасига асосан умумий даъво муддати 3 йил эканлигига ургу берилди. Ва фермер ҳўжалиги оила аъзоларидан бирига (Яъни С. Собировага) ер майдонини узоқ муددатга ижарага олиш бўйича чиқарилган туман ҳокими қарори тўғри деган хулосага келинади.

Айнан шу расмий жавобдаги бир-бирини инкор қилувчи бир ҳолат бизни ҳамон ажаблантирмақда: "Ғарчи мақолада низога нисбатан оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга даъво муддати жорий қилинмаслигига оид Оила кодексининг 12-моддаси қоидалари келтирилган бўлса-да, даъвогарлар томонидан арз қилинган талаблар оилавий муносабатлардан ташқари ўзга шахсининг (!) номига расмийлаштирилган мулкка қаратилганлиги, бунда низо учинчи шахс ҳуқуқларига дахл қилиши сабабли низоли муносабат

деган бир хил қолипдаги ваъга ёпишиб олишгани янада кулгили.

2011 йилда фермер ҳўжалиги тасарруфига ўтказилган мол-мулклар, бу даврда мулк билан боғлиқ низоларга даъво муддати қўллаб бўлмастлиги ФКнинг 163-моддаси билан тартибга солинган, аини ушбу моддада: **"Мулкдорнинг ёки бошқа эғалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузилишлари, гарчи бу бузилишлар эғалик қилишдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартароф этиш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди" деб қатъий белгилаб қўйилган судлар эътиборидан "четда қолган".**

Шунингдек, Оила кодексининг 12-моддасида "Оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга даъво муддати жорий қилинмайди" дейилганга нима дейсиз?

Бугун марҳумлар Ю. Собиров ва Л. Собированинг беш нафар ва Ю. Собировнинг олдинги оиласидан туғилган икки нафар фарзанди ана шу умумий мулк туман ҳокимининг нотўғри қарори ва судларнинг ҳолатга тўғри ёндашмагани сабаб фақат бир қиз қўлида қолгани ва у бу мулкларни сотиш билан машғуллиги юзасидан юқори суд инстанцияларидан имдод кутишяпти.

Ва адолат кутишга улар ҳақлидирлар! Судлар эса негадир "бир дарвозага ўйин" услубини қўлаб, ҳар икки томонни ҳолис ўрганишдан чекиншяпти.

Бу ҳолат қачонгача давом қилади, билмадим!

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади". Қизиқ! Юқорида ҳокимнинг фермер ҳўжалиги ер майдонларини ижарага бериш ҳақидаги қарорига С. Собирова "оила аъзоси" сифатида қонун талабларига мос тушган-у... даъвогарларнинг умуммулк деб эътироф этиш бўйича судлардан Оила кодексини қўллаш ни илтимос қилганларида у бирдан "ўзга шахсга" – учинчи шахсга айлиниб қолганини қандай тушуниш мумкин?

Ғалати эмасми? Агарда С. Собирова учинчи шахс, яъни оила аъзоси эмас экан, демак, унда Гурлан тумани ҳокими қарори ҳам ноқонуний чиқарилган эканми? ...Тахририят судлар томонидан фуқароларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётган ушбу ғалати ҳолат ҳақида газетамизнинг шу йил 1 апрель 13-сонида "Қарор қолипларда қотиб қолган(ми)?" сарлавҳали мақола чоп қилгани. Мана, орадан шунча вақт ўтдики, Олий суд бу мақолага муносабат билдирмади. Бундан шундай хулоса қилса бўладики, тахририят ўз мақоласида ҳақ гапни ёзган-у, унга эътироз билдириш қийин.

Адолатли, ҳолис ўйин ҳар иккила дарвоза томонга бўлади! Ва адолатли ҳакамлар бу ўйинни бошқаришганида...



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, О'зЛиДеП
фракцияси аъзоси,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

Нархлар барқарорлиги таъминланса...

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ КАТТА МУШКУЛЛИК ТУҒДИРМАЙДИ

Кейинги йилларда табиат ўзгаришлари, хусусан, ўртача ҳароратнинг кўтарилиши инсониятни янги глобал муаммолар билан курашишга чорлаяпти. Чўлланиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, ҳавонинг ифлосланиши, чиқиндиларнинг кўпайиши, аҳоли сони ўсиши натижасида истеъмол талабларининг ошиши шулар жумласидандир. Шундай вазиятда COVID-19 пандемияси бунун дунёда гуманитар инқирозни келтириб чиқарди, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча секторларида жиддий таҳдид сояпти, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўнглаб бўлмас муаммоларни пайдо қилмоқда.

қандолат фабрикалари ёпилди, логистика издан чиқди. Ўз навбатида, мавсумий ишчилар яшаш учун маблагсиз қолди, маҳсулотларни етказиб бериш тизимида ҳамон тўсиқлар мавжуд. COVID-19 туфайли ҳали ҳам давом этаётган глобал иқтисодий тебраниш пул оқимлари ва ишлаб чиқарувчилар, кичик ҳамда ўрта агрофирмалар, молия муассасаларининг молиявий ликвидлигида путур етказди ва етказмоқда.

биохилма-хилликка таҳдиднинг асосий сабабчиси саналади. Бинобарин, соҳада маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сотиш ва истеъмол қилиш, чиқиндилар утилизациясида қўлланилаётган усулларни тўлиқ қайтадан кўриб чиқиши, инновациялар, муқобил ва яшил технологиялардан кенг фойдаланишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Пандемия ҳам озиқ-овқат тизимларини янгитдан мувоzanатлаш ва ўзгарттириш

Маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, бу хатарли ҳасталик оқибатида жаҳон иқтисодиёти ҳар ойда қарийб 400 миллиард АҚШ доллари миқдорига зарар кўрмоқда! Озиқ-овқат таъминоти занжирларида катта узилишлар, истеъмол товарлари нархлари кескин кўтарилиши баробарида уларнинг тақчиллиги ҳам кузатилмоқда.

Яқинда Марказий банк бу борада жиддий ҳавотир билдириб, мамлакатимизда дори-дармон ва озиқ-овқат нархлари кескин ошиши эҳтимолидан огоҳлантирди, ҳукуматни эса ушбу масалага жиддий ёндашишга чорлади. Зеро, пандемия билан боғлиқ вазиятнинг ўзгариши дори-дармонлар, тиббий хизматлар ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари кескин ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Йил бошидаги табиат инжиқлиги ва ёз мавсумидаги глобал иссиқлик боғдорчилик соҳасига жиддий зарар етказди, чорва учун озуқа базасида муаммоларни юзага келтирди. Бу жараёни ваҳимали тарзда талкин қилишдан тийилмоқ жоиз. Муаммони эса вазиятга салбий таъсир этувчи ҳар бир омилни эрта зарарсизлантириш ва босиқлик позицияни намоян этиш орқали ижобий ҳал қилиш мумкин. Марказий банк эътиборни пул бозори регулятори сифатида карантин билан боғлиқ чекловларнинг умумий овқатланиш, транспорт ва етказиб бериш хизматлари соҳаларидаги нархларга таъсирини камайтириш зарурлигига қаратяпти.

Ҳукумат томонидан кўрилатган чора-тадбирлар масаланинг бир томони ҳисобланади. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, назаримизда **Ортиқча ваҳимага берилиши, истеъмолдан ортлик озиқ-овқат маҳсулотларини гармлаш, тартибсиз харидларни амалга ошириш ўтган бир йилдан зиёд давр мобайнида қандай оқибатларга олиб келганининг гувоҳи бўлдик. Дўконлардаги бўш расталар, айрим дори воситалари нархи кескин ошиб кетиши ёдингиздами?**

Бу каби жараёнлар инфляция ва инфляцион кутилмаларга юқори босимни келтириб чиқаради. Асосий



озиқ-овқат маҳсулотлари нархларидаги ўзгаришлар инфляцион вазиятни кучайтириши мумкин.

2021 йилнинг июнь ойи якунлари бўйича йиллик инфляция даражаси май ойда кузатилгани каби 10,9 фоизни ташкил этаётган бўлса-да, зарур чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилма-са, ўсиш тенденцияси намоян бўлади. Аънавий озиқ-овқат тизимларини янги талаблар асосида кўриб чиқиб, уларни қайта ташкил этиш эса ижобий натижаларга эришиш борасидаги биринчи қадам бўлиши мумкин.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ва БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури янги ҳисоботида август ойидан бошлаб ноябрь ойигача очлик нуқталарида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси янада кучайиши мумкинлигидан огоҳлантирмоқда. Бунда асосий хавф Африка давлатларида кузатилса-да, масалага жиддий муносабат муҳимдир.

Зеро, 2020 йили чегараларо ҳаракатланиш бўйича мамлакатларда жорий этилган чекловлар ва изоляция режими озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш жараёнарига кескин таъсир ўтказди. Оқибатда далалар, плантацияларда ҳосилларни йиғиб олиш ўта даражада сустлашди ёки буткул тўхтаб қолди. Жуда кўп озиқ-овқат корхоналари – гўшт, сутни қайта ишловчи цехлар, новвойхоналар,

Даромаднинг пайдо бўлиши ёки, умуман, келиб тушмаслиги қувватлар, иш ўринларини қисқартириш, қўлланмаган тиббий харажатларга олиб келаётди.

Экспертларнинг айтишича, **инкироздан чиқишнинг "йўл хариталари"ни яратишда, биринчи навбатда, озиқ-овқат тизими иштирокчилари эҳтижларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ночор компаниялар ва уй хўжалиқларидаги ликвидлик билан боғлиқ муаммоларни юмшатиш учун мақсадли чоралар кўриш зарур.** Ўз навбатида, озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги муаммоларни биргина ижтимоий ҳимоя механизмига кучайтириш билангина ҳал этиб бўлмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Озиқ-овқат тизими фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инфляцияга йўл қўймавликда эса давлат харидлари ҳамда тақсимоли тизими муҳим восита ҳисобланади.

Умуман олганда, коронавирус пандемияси дунё иқтисодиётининг озиқ-овқат секторини ислоҳ этиш заруратини яққол кўрсатиб қўйди. Яна бир томони, мазкур жабҳа бугунги кунда иқлим ўзгариши ва экологик инқироз вужудга келишида асосий омилидан ҳисобланади. Гап шундаки, озиқ-овқат тизимларининг ҳиссаси атмосферага чиқарилаётган "иссиқхона газлари"нинг учдан бир қисмини ташкил этади ва

орқали унинг барқарорлигига сабабчи бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга иқтисодий, ижтимоий ва экологик механизмлар уйғунлигида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки бу нафақат пандемиянинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини бартараф этиш, тармоқларни қайта тиклаш ва ривожлантириш, одамлар турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади, балки Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги салоҳиятини янада оширади.

Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада қафолатланган захирини яратиш ва уларни бозорга узлуқсиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар устидан парламент ва депутатлик назоратини самарали йўлга қўйиш, соҳадаги қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш, ислохотларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш эса бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди.

Мухтасар айтганда, ўзаро ҳамжихатликдаги саъй-ҳаракатлардан қўзланган бош мақсад халқ манфаати устуворлигини таъминлашдан иборат бўлса, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-наво арзонлаштириш, шу орқали одамларни рози қилиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Баҳодир, дуо ол, олтин ҳам оласан!

Ўрисларда қизик ибора бор-да: "Умид энг охирида ўлади". Балки шундайдир. Бизда эса ундан-да галатиноқ халқона гап айтилган: "Чиқмаган жондан умид". Иккисининг ҳам моҳияти деярли бир хил. Майли, 35 миллионлик нуфусга эга Ўзбекистон спортчилари ҳисобида Токио Олимпиадасидан ҳозирча 2 та олтин, 1 та бронза нақд бўлиб турибди. Шунисиғаям шукр дейишимиз мумкин. Лекин...

"platforma.uz" яқинда "Токиодан кайфиятни бузадиган хабарлар келиши давом этмоқда" деган сарлавҳа остида айрим аламли иштибоҳларини шундай келтирди: "2016 йилги Рио-де-Жанейро Олимпиадасида 3 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медалига сазовор бўлган бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси учун Токио Олимпиадаси жудаям муваффақиятсиз кечмоқда. 8'та вазн тоифасида қатнашаётган эракак спортчиларимиздан 7 нафари мусобақадаги иштирокини якунлади. Энди фақатгина Баҳодир Жалоловдан

сўнги умидимиз Баҳодир-да қолди.

Кеча Баҳодир ярим финалда Буюк Британия вакили Фрэйзер Кларкни биринчи раундда тўла устунлик билан енгган бўлсаям, лекин иккинчи раунд аввалида нокдаун ҳолатига тушиб, ҳаммининг ўтақасини ёришга сал қолди. Хайриятки, Баҳодир бирпасда ўзини ўнглаб олди ва иккинчи раундда ҳам унинг кўли банд келди. Учинчи раунд... Кларк учун қимматга тушди! Сабаби, жароҳати оғирлиги боис шифокорлар жангни тўхтатишга мажбур бўлиши ва юртдошимиз тўплаган очколар ҳисобида финалга чиқди!



умид қолди. 3 нафар аёл боксчимиздан эса биттасида медаль учун курашиш имконияти бор.

Қолган спорт турларида ҳам вакилларимиз баҳслардаги юришини якунлади, деган хабарлар бирма-бир келиб турибди... Туризм ва спорт вазирлиги ҳамма ишонадиган бирор баҳона толиб туравергани маъқулми дейман.

Бокс бўйича +91 кг вазн тоифасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган Баҳодир Жалолов 4 август куни ярим финал жангида иштирок этди..."

Иқтибос тамом. Энди

8 август – шанба, чемпионлик тақдири ҳал бўладиган куни уни АҚШлик машҳур боксчи, Баҳодирнинг азалий рақиблиридан бири Ричард Торрес рингдан қарши олади.

Халқимизда "Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?" деган гўзал нақл борлигини яхши биламиз. Лекин бизга иккиси ҳам бугун сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган шу кунларда ОЛТИН керак! Ҳаммамиз кўл очайлик, дуоларимиз олтинга айлансин, илоҳим!

Озод КАРВОН

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Boш муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
кабулона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашрийт-матбоба акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табак.
Буюртма рақами: Г – 851 Адади: 35353
Электрон газета адади: 515
Баҳоси келишилган нарҳда.
Топширилди – 21:10

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарибмайди.

© XXI asr дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-477X

НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ